



## II ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар  
стратегияси: макроиқтисодий  
барқарорлик, инвестицион фаоллик ва  
инновацион ривожланиш истиқболлари

**Илмии маъруза ва мақолалар  
тўплами**

**IV ШУЪБА**

**2019 йил 27-28 май**



АКАДЕМИЯ НАУК  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



ФИНАНСОВЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ  
ПРИ ПРАВИТЕЛЬСТВЕ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ



WESTMINSTER  
INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT  
An Accredited Institution of the University of Westminster (UK)



## II МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО- ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

**“Стратегия действий Республики  
Узбекистан: макроэкономическая  
стабильность, инвестиционная активность  
и перспективы инновационного развития”**

**СБОРНИК НАУЧНЫХ  
МАТЕРИАЛОВ И СТАТЕЙ**

**СЕКЦИЯ IV**

*27-28 мая 2019 года*



АКАДЕМИЯ НАУК  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



ФИНАНСОВЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ  
ПРИ ПРЕЗИДЕНТСТВЕ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ



WESTMINSTER  
INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT  
An Accredited Institution of the University of Westminster (UK)



imc FH KREMS  
UNIVERSITY OF APPLIED  
SCIENCES / AUSTRIA



## II INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

**Actions strategy of Uzbekistan:  
macroeconomic stability, investment  
activity and perspectives of innovative  
development**

**COLLECTION OF MATERIALS  
AND ARTICLES**

## SECTION IV

*27-28 may 2019 year*

**Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети**

**Таҳрир ҳайъати:**

И.ф.д., доц. Ш.Мустафакулов, и.ф.д., проф. М.Косимова, и.ф.д., проф. Б.Салимов, и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. Б.Беркинов, и.ф.д., проф. Ш.Эргашходжаева, и.ф.д., проф. Н.Йўлдошев, и.ф.д., проф. Г.Абдурахмонова, и.ф.д., доц. С.Худайқулов, и.ф.д., проф. У.Фафуров, и.ф.н., доц. М.Аскарова, и.ф.н., доц. И.Хотамов

**ТДИУ ректори, и.ф.д., проф. Б.Ю. Ходиевнинг  
умумий таҳрири остида**

Ўзбекистон республикаси харакатлар стратегияси: макроиктисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари [Электрон тўплам]. – Т.: «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журналининг маҳсус сони, 2019.

Мазкур электрон тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 981-Ф-сонли фармойишига асосан, ёш иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларини қўллаб-куватлаш, олиб борилаётган илмий изланишларни амалиётга кенг жорий этиш шунингдек, уларга кўмаклашиш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институти, Халқаро Вестминстер университети ҳамда Тошкент Молия институти ҳамкорлигига 2019 йилнинг 27-28 май кунлари **“Ўзбекистон Республикасининг харакатлар стратегияси: макроиктисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари”** мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шуъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- ❖ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат сиёсатининг намунаси сифатида;
- ❖ Очиқ иқтисодиёт: соғлом рақобат, ишбилармонлик муҳити ва қулай инвестиция муҳити;
- ❖ Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш йўли билан иш ўринлари сонини ошириш;
- ❖ Валюта сиёсатини эркинлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш.

**Ташкентский государственный экономический  
университет**

**Редакционная коллегия:**

д.э.н., доц. Ш.Мустафакулов, д.э.н., проф. М.Косимова, д.э.н., проф. Б.Салимов, д.э.н.,  
проф. Н.Махмудов, д.э.н., проф. Б.Беркинов, д.э.н., проф. Ш.Эргашходжаева, д.э.н., проф.  
Н.Йўлдошев, д.э.н., проф. Г.Абдурахмонова, д.э.н., доц. С.Худайқулов, д.э.н., проф.  
У.Фауров, к.э.н., доц. М.Аскарова, к.э.н., доц. И.Хотамов

**Под общей редакцией ректора ТГЭУ д.э.н., проф. Б.Ю. Ходиева**

Стратегия Действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития [Электронный сборник]. – Т.: «Экономика и инновационные технологии» специальный выпуск научно-электронного журнала, 2019.

В данном электронном сборнике собраны научные статьи международной научно-практической конференции «Стратегия Действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития», проведённой 27-28 мая 2019 года Ташкентским государственным экономическим университетом совместно с Институтом стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан, Вестминстерским международным университетом и Ташкентским финансовым институтом, согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан № 981-П от 29 января 2019 года, в целях поддержки и широкого внедрения научных исследований молодых ученых-экономистов.

Сборник научных статей охватывает следующие направления:

- ❖ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.- как пример ответственной государственной политики;
- ❖ Открытая экономика: здоровая конкуренция, деловая среда и благоприятный инвестиционный климат;
- ❖ Сокращение государственного вмешательства в экономику, увеличение количества рабочих мест путём ускоренного развития частного сектора;
- ❖ Либерализация валютной политики и достижение высоких темпов экономического роста за счёт диверсификации экономики.

**Tashkent State University of Economics**

**Editorial team:**

D. Sc., docent SH. Mustafakulov, D. Sc., prof. M. Kosimova, D. Sc., prof. B. Salimov, D. Sc., prof. N. Mahmudov, D.Sc, prof. B. Berkinov, D. Sc., prof. Sh. Ergashkhodjaeva, D. Sc., prof. N. Yuldashev, D. Sc., prof. G. Abdurahmonova, D. Sc., docent S. Xudaykulov, D. Sc., prof. U. Gafurov, PhD, docent M. Askarova, PhD, docent I. Khotamov.

**Under the general editorship of the rector of TSUE, Doctor of sciences in economics,  
professor B. Y. Khodiev**

Actions Strategy of Uzbekistan: macroeconomic stability, investment activity and perspectives of innovative development [E-version of the material]. – T.: «Jekonomika i innovacionnye tehnologii» special issue of scientific electronic journal, 2019.

This electronic collection contains scientific articles of an international scientific-practical conference. «Actions Strategy of Uzbekistan: macroeconomic stability, investment activity and perspectives of innovative development», held on May 27-28, 2019 by the Tashkent State Economic University in cooperation with the Institute of Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan, Westminster International University and Tashkent Financial Institute, according to the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 981-P of January 29, 2019, in order to support and promote widespread scientific research among young economists.

The collection of scientific articles covers the following areas:

- ❖ Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 as an example of responsible public policy;
- ❖ Open economy: healthy competition, business environment and favorable investment climate;
- ❖ Reducing the state presence in the economy, increasing the number of jobs by accelerating the development of the private sector;
- ❖ Liberalization of monetary policy and the achievement of high rates of economic growth due to economic diversification.

© *Tashkent State University of Economics*  
© “*Jekonomika i innovacionnye tehnologii*”

*scientific electronic journal (<http://iqtisodiyot.tsue.uz>)*



**IV ШУБА**  
**ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ**  
**ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ**  
**ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ҲИСОБИГА**  
**ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ**  
**СУРЪАТЛАРИГА ЭРИШИШ**



**СЕКЦИЯ IV**  
**ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ ВАЛЮТНОЙ**  
**ПОЛИТИКИ И ДОСТИЖЕНИЕ ВЫСОКИХ**  
**ТЕМПОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА ЗА**  
**СЧЕТ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКОНОМИКИ**



**SECTION IV**  
**LIBERALIZATION OF MONETARY**  
**POLICY AND THE ACHIEVEMENT OF**  
**HIGH RATES OF ECONOMIC GROWTH**  
**DUE TO ECONOMIC DIVERSIFICATION**



# БАНК ХИЗМАТЛАРИ РАҶОБАТ КУРАШИДА КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Азларова Азиза Ахроровна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>и.ф.н., “Банк иши” кафедраси доценти,  
e-mail: [a.azlariva@tsue.uz](mailto:a.azlariva@tsue.uz)

Бугунги кунда банк тизимини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бу – банклар фаолияти қўламини кенгайтириш, уларнинг хизматлари ҳажмини оширишдан иборатdir. Банкларнинг самарали фаолият юритишида кредит сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари томонидан сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни самарали бошқариш орқали асосий даромад манбаи ҳисобланган активлар ҳажми, таркиби ва даромадлилигини ошириш, инвестицион фаолиятни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини оширишга эришилади.

Банклар кредит сиёсатининг тўғри шакллантирилиши ва олиб борилиши пул муомаласига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Банкларнинг бу борадаги стратегияси кредит ресурсларини шакллантириш учун депозит сиёсатини амалга оширишда, бошқа томондан эса, банк томонидан йиғилган ресурсларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларига жойлаштирилишида намоён бўлади. Банклар кредит сиёсатини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини жалб қиласидилар, бу эса, ўз навбатида, пул эмиссиясини қисқартиришга асос бўлади ва муомаладаги пул массасини камайтирилишига олиб келади. Йиғилган маблағлар одатда иқтисодиёт реал секторига йўналтирилади ва бу иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга хизмат қиласиди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориш натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: “Бугунги кунда банк тизимидағи энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банкмолия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.

Бунда банк тизимиға хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб

борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак.

Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур” [5].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” қарори қабул қилинди.

Унга кўра “Кредит сиёсати кредит (микроқарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тартибини қўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффоффлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартибини ўз ичига олиши керак» [7].

Тижорат банкларининг кредитлаш соҳасидаги стратегияси, банк ва кредит олувчи корхоналар фаолият муҳитининг ўзгаришига олиб келмоқда. Бундай шароитларда кредитлаш соҳасидаги стратегия кредитлаш жараёнини самарали ва мақбул бошқариш мақсадида, уларнинг мураккаб тизим сифатида бевосита ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилдиган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиши лозим. Бунда, тактика қўйилган мақсадга еришишнинг муайян услублар тўплами ва усувларини қўллашдан иборатdir.

Кредит сиёсати кредитлар ва микроқарзларнинг тўпланиши даражаси, шу жумладан кредит турлари, иқтисодиёт тармоқлари, географик ҳудудлар ва бошқалар бўйича тўпланиши даражаси мониторинги бўйича талабларни ўз ичига олиши зарур. Кредит сиёсатида раҳбариятга мунтазам равишда топширилдиган тегишли ҳисботларни тайёрлашга доир талаблар белгиланиши лозим. [7]

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада „Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиш, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди“ [5] деб таъкидлаб ўтдилар.

Тижорат банклари кредит сиёсатининг мазмуни қўйидагилардан иборат:

- банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш;
- банк бошқаруви раисининг кредит бўйича жавобгар ўринбосари, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юклатилдиган ваколатлар рўйхати;
- банк кредит хизмати ҳукуқларини ўтказиш ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлар;
- кредит аризалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор чиқариш тизими;
- кредит аризаларига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида сақланиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати (қарздорлик молиявий

хисоботи, кредит шартномаси, гаров ёки кафиллик шартномаси ва бошқалар);

– кредит йиғма жилдлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги ва ким, қандай ҳолатларда уни олиш хуқуқига эгалиги тўғрисида батафсил маълумот;

– кредит билан таъминлашни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

– барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;

– энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (кредит суммалари ва банк ялпи активларнинг энг юқори нисбати);

– банк хизмати кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки тармоғи;

– муаммоли кредитлар ташхиси ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоли кўрсатилади.

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк бошқарувчисидан тортиб банк операторигача бўлган барча даражада оқилона амалга оширилса, ортиқча хатарларнинг олди олинади.

Шу ўринда айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан олиб борилаётган оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларни сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади – бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилигини, рискларни сифат бўйича туркумларини, кредит портфели баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларни ўз ичига олади.

Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

- тижорат банкида мукаммал ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредитлаштириш жараёнининг мавжудлиги;

- кредит портфелини оптимал бошқаришнинг йўлга қўйилганлиги;

- кредитларни мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;

- банк тизимида ишлайдиган ходимларнинг тайёргарлик даражаси.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда банк кредит сиёсати тамойиллари келтирилган.

#### 1-жадвал.

#### Банк кредит сиёсатининг асосий тамойиллари [ 11, 173 ]

Банк кредит сиёсати тамойиллари	
Умумий	Хусусий
илемий асосланганлик	даромадлилик
оптималлик	фойдалилик
самарадорлик	хавфсизлик
кредит сиёсати элементларининг бир-бири билин боғлиқлиги	ишончлилик

Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсати «кредитнинг тўлиқ қиймати» тушунчасини, шу жумладан кредит олиш ва хизмат кўрсатиш (қайтариш) билан боғлиқ бўлган барча тўловлар тўғрисидаги шартлар бўйича тўлиқ маълумотни ўз ичига олиши зарур. Бунда, шу жумладан, ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳоланиши зарур.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажми ҳисобот йили давомида 58 трлн. сўмга ёки 110 фоизга (2016 йилда – 32 фоиз) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 110,6 трлн. сўмга етди ҳамда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши 44,4 фоизгacha (2016 йилда – 26,4 фоиз) ошди. Кредит қўйилмаларининг (нетто) жами активлар таркибидағи улуши эса 61,9 фоиздан 65,1 фоизгacha ошди.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, республика банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарлар мўътадил даражада шаклланган.

## 2-жадвал

### Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й		01.01.2018 й	
	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда
Саноат соҳаси	18 347	34,9	45 223	40,9
Транспорт ва коммуникация	7 149	16	205	14,7
Савдо ва умумий хизмат	4 072	7,7 5	246	4,7
Қишлоқ хўжалиги	3 033	5,8 4	742	4,3
Курилиш соҳаси	2 218	4,2 3	3 424	3,1
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	652	1,2	472	0,4
Уй-жой коммунал хизмати	456	0,9	996	0,9
Жисмоний шахслар	9 379	600	12,3	12,3
Бошқа соҳалар	7 304	13,9	20 665	18,7
Жами кредитлар	52 611	100	110 572	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. 23-бет.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 40,9 фоизи саноат, 14,7 фоизи транспорт ва коммуникация соҳаси, 12,3 фоизи жисмоний шахслар, 4,7 фоизи савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси, 4,3 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳамда 3,1 фоизи

қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

2018 йилнинг якуни бўйича тижорат банклари жами кредит қўйилмаларининг асосий қисми, яъни 82,9 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2018 йил давомида 4,2 фоиз бандга ошган. Бунда чет эл валютасидаги кредит қўйилмаларининг деярли барчаси (82,9 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари томонидан молиялаштирилган(3-жадвал).

Республикамизда ўтган 2018 йил давомида миллий валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ҳисобига жами кредит қўйилмалари таркибида чет эл валютасида ажратилган кредитлар улуши 42,8 фоиздан 62,3 фоизгача ошиши кузатилган.

### 3-жадвал

#### Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари (фоизда)

Банк турлари	2016 йил		2017 йил		2018 йил	
	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада
Давлат улушига эга банклар	84,2	94,7	88,4	94,3	141, 67	88, 0
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	15,8	5,3	11,6	5,7	19, 3	12

Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти асосида шакллантирилган

Мазкур кўрсаткич Россия Федерацияси (24,2 фоиз), Қозогистон (26,3 фоиз), Украина (47,2 фоиз), Беларусь (51 фоиз) ва бошқа айрим МДҲ давлатларидағи кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, республика банк тизимида чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ валюта хатарининг диверсификация қилиш масаласининг долзарблигини оширади.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этишдаги муаммолар қуидагилардан иборат:

- Кредитларни мақсадга мувофиқ ишлатиласлик ҳолларига йўл қўйилмоқда;
- Мижознинг кредитга лаёқатлилик даражаси етарли ўрганилмасдан унга ишончли кредитлар бериш ҳоллари мавжуд;

Муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифларимиз қуидагилардан иборат:

- тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмини ошириш йўли билан уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарур;

- кредитлар бўйича таъминотга олинган таъминот манбалари банк томонидан кредитни қоплашнинг асосий манбаи деб ҳисобланмаслиги керак, таъминот манбаси кредитни тўлашни иккиламчи манбаи сифатида қаралиши керак;
- мижозларнинг ҳар бир хўжалик фаолиятининг аниқ ҳолатида кредитга бўлган эҳтиёжини тўлароқ равишда қондириш мақсадида кредиташ усулларидан тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйиш лозим;
- кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини ошириш лозим.

Амалдаги қонунчиликда банк кредит портфели мунтазам равишда таҳлил ва аудит қилиниши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунда кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит хужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратилиши лозим.

Республикамиз банк тизимини ривожлантириш, кўрсатилаётган банк хизматиларини сифати ва турларини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3270-сонли Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Банклар ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда амалдаги банк хизматларига белгиланган тарифларни қайта кўриб чиқилди [ 4 ].

Шунингдек, республикамизда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизmlарини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиқлик даражасини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, банк хизматлари оммаболлигининг оширилишини ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган. [ 6 ]

Мазкур Қарорда тижорат банкларида кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилаётган холатларни олдини олиш чоралари аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга қарорда кредит буюртмаларини кўриб чиқишининг мураккаблашган механизmlари мижозларга кредитларни тезкор олиш имкониятини чегаралаш холатларини олдини олиш, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиш имкониятини ошириш, чакана банк хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва банк-мижоз ҳамкорлик

муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувларини амалиётга киритиш, кредитларни (микроқарзларни) кўриб чиқиш ва ажратиш учун хизмат ҳақи ҳамда бошқа тўловларнинг ундирилиши қарзнинг реал қийматини ошишига олиб келадиган вазиятларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон тижорат банклари ўз фаолиятлари давомида қатор муаммоларга дуч келадилар, уларни ҳал қилиш эса иқтисодиётимизнинг келажакдаги тараққиёти учун муҳим хаётий масаладир. Бу муаммони:

Биринчидан, навбатда, кўпчилик банк мижозларининг қониқарсиз молиявий аҳволини келтириб чиқаради. Сир эмаски, қачонлардир ўз банк тизимларини ислоҳ қилган мамлакатларнинг қарийб барчаси у ёки бу даражада шу муаммони ҳал қилиш зарурати билан тўқнашганлар.

Иккинчидан; қарздорни кредит олиш қобилиятини нотўғри баҳолаш натижасида:

- иқтисодиёт бўғинлари субъектларини давлат маъсарруфидан чиқиши ва хусусийлаштирилиши;

- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тўлиқ акс эттирмайдиган иборат маблағларини улар ихтиёрида тўпланиб колиши (корхона ихтиёрида бегона шахсларнинг пул маблағларини тўпланиб колиши);

- банк тизимини тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиш ва банк барқарорлигини тиклаш учун банк рискларини пасайтириш ва бошқалар.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш банк томонидан тузилган кредит сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш орқали ташкил этилади.

Шунинг учун тижорат банклари, барча операцияларидан ҳам аҳамиятлироқ бўлган кредит операцияларига асосий эътиборони қаратиб қўйидаги ишларни чуқурроқ назоратга олиш ва муаммоли кредитларни камайтириш усуллари сифатида кўриб чиқишли зарур:

- кредит сиёсатини стратегия ва тактикасини ишлаб чиқища асосан кредит муносабатларни тамойилларига, кредит фоизларини ўз вақтида ундириш даврлари ва унинг усулларига, кредитни давлатнинг устувор соҳаларига жойлаштиришга, келажаги мавжуд тармоқлар соҳасига жойлаштиришга эътибор бериш:

- кредит сиёсатини ишлаб чиқища унинг амалга ошириш механизмини устувор такомиллашган усулларига амал қилиши;

- кредит шартномаси шартларини ҳақиқий бозор муносабатларига мос ҳолда тузиш учун такомиллашган шаклларига эътиборни чуқурроқ қаратиши:

- кредит ва унинг фоизларини қайтмаслик рискини камайтириш учун кредит портфелни диверсификациялаш механизмига эътибор беришга:

- кредит мониторинги ва унинг мақсадли ишлатилиши юзасидан қатъий интизом ўрнатилганлигига:

- кредит қайтмаслик рискини олиш учун аввалдан тақдим этган бизнес режа бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш ва унинг натижаларини шу вақтни ўзида бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб

чиқишига:

-таъминот турларини сақланиш ҳолати, кафил ва суғурталанган компанияларни молиявий фаолиятини маҳсус аудитор компаниялар томонидан текширилган хulosани назоратга олиш ва тегишли чораларни шу вақтнинг ўзида бартараф этишига:

-тижорат банкларига Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативларга риоя қилишига:

-Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини батафсил амалга ошириш ва бошқалар эътиборига қаратиш зарур.

Шу сабабли, кредит рискларини пасайтириш ва банкларнинг берган ўз кредитларини муддатларида ундирилишини таъминлаш мақсадида, банклар уларнинг дастлабки даврдан бошлаб уни тўлиқ ундириб олгунга қадар бўлган даврда назорат қилишлари зарур. Бу ўз навбатида банкларнинг кредит сиёсатини тўғри тузишлари ва кредит портфелларини доимий мониторингини кучайтиришлари лозим.

Бундан ташқари банклар томонидан ишлаб чиқилаётган кредит сиёсати ҳар бир банк фаолиятида ривожланган мамлакатларнинг банк ишидаги ютуқлари ва тажрибаларини эътиборга олишимиз керак. Акс ҳолда, бутун иқтисодиётни самарали фаолият юритишини таъминлаб бўлмайди.

Буларнинг барчаси келажакда мамлакат тижорат банкларининг кредит сиёсатини самарали бошқаришига ва банк кредит портфелидаги пайдо бўладиган кредит рискларини пасайтиришига муҳим омил бўлади деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 25 апрел 1996 йил.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони. 2017 йил 7 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида ПФ№5296 Фармони. 2018 йил 9 январь.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3270 сонли Қарори. 2017 йил 12 сентябр .

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” № 3620 Қарори. 2018 йил 23 март.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори. 2018 йил 14 апрель.

8.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.

9. О.И. Лаврушин . Управление деятельностью коммерческого банк. Учебник.М.Юристъ 2003. -385 бет

10.3.Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.

11. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. ЎУМ. 2017 й.

